

Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида техник регламент

1-боб. Умумий қоидалар

§ 1. мақсади ва қўлланиш доираси

1. Ушбу парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент деб аталади) парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тамғалаш, қадоқлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги хавфсизлик талабларни белгилайди шунингдек, парфюмерия-косметика маҳсулотларидан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олади.

2. Мазкур техник регламент истеъмол қилиш, ингаляция, инъекция ёки инсон танасига имплантация қилиш учун мўлжалланган, тери қопламаси ички қисмига суртиладиган татуаж воситалар шунингдек, касалликларни диагностикаси ва даволаш учун қўлланиладиган маҳсулотларга тадбиқ этилмайди.

§ 2. Атамалар ва таърифлар

3. Ушбу Техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлар ишлатилади:

ампулали косметика – бир маротаба қўллаш учун мўлжалланган, герметик кавшарланган шиша (полимер) идишга қадоқланган, парфюмерия-косметика маҳсулоти;

бирламчи қадоқ – бевосита парфюмерия-косметика маҳсулоти билан контактда бўладиган қадоқ;

болалар косметикаси – 14 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулоти;

бир турдаги парфюмерия-косметика маҳсулотлари – ингредиент таркиби жиҳатидан бир -бирига яқин бўлган ва айнан бир хил талабларга жавоб берадиган бир хил номдаги маҳсулот;

бўёқлар – парфюмерия-косметика маҳсулотларига ранг бериш ёки тери, тук қопламаси ва тирноқларни бўяш учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулотлари таркибига кирадиган табиий ёки синтетик келиб чиққан кимёвий моддалар;

декоратив косметика – юз, кўз, лаб, қош, тана макияжи ҳамда соч ва тирноқларни бўяш учун парфюмерия-косметика маҳсулоти;

ёрлиқ – парфюмерия-косметика маҳсулотларининг ҳар бирига ёпиштириладиган ёки илова қилиб қўйиладиган ёхуд қадоққа солиб қўйиладиган тамғага тушириш учун мўлжалланган ихтиёрий шаклдаги маҳсулот.

жинсий косметика – ташқи жинсий аъзолар ва улар атрофидаги тана участкаларини парваришlash учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулоти;

ишлаб чиқарувчи – парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва/ёки парфюмерия-косметика маҳсулотларини ўз номи, ва/ёки товар белгиси остида муомалага чиқарувчи ҳамда унинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлиги учун масъул бўлган юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор;

ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили - ушбу техник регламент талабларга мувофиқлиги учун жавобгар бўлган ҳамда парфюмерия ва косметика маҳсулотларини бозорда муомалага чиқаришда ишлаб чиқарувчининг номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига ега бўлган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

иккиламчи қадоқ – бирламчи қадоқдаги парфюмерия-косметика маҳсулоти жойланадиган, лекин транспортбоп ҳисобланмайдиган, қадоқ;

касбий косметика – сартарошлик ва/ёки косметик хизматлар кўрсатишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ишлатиши учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулоти;

консервантлар – яроқлилиқ муддати мобайнида микробли ифлосланишга парфюмерия-косметика маҳсулотларининг барқарорлигини таъминлайдиган табиий ва/ёки синтетик келиб чиққан кимёвий моддалар;

муомалага чиқариш – ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи (импорт қилувчи) томонидан маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш ёки бошқа усулда бериш учун мўлжалланадиган пайт (шу жумладан биринчи оферт);

наноматериал – камида битта ташқи ўлчами ёхуд 1 дан 100 nm гача чегараларда ички тузилмаси бўлган эримайдиган ёки биобарқарор ва махсус ишлаб чиқарилган материал;

оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари – бевосита тишлар, милклар ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардасига, уларни тозалаш, хушбўйлаштириш, ташқи кўринишини ўзгартириш, уларни ҳимоялаш, яхши ҳолатда сақлаб туриш мақсадида суртиш учун мўлжалланган, гигиеник ва/ёки профилактик таъсирли парфюмерия-косметика маҳсулотлари;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлиги – яроқлилиқ муддати давомида вазифаси ва қўлланиш усулига мувофиқ ундан фойдаланилганда, парфюмерия-косметика маҳсулотларининг истеъмолчига зарарли таъсири мавжуд эмаслигини таъминлайдиган, парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хусусиятлари ва тавсифлари мажмуи;

парфюмерия-косметика маҳсулотлари – бевосита инсон ташқи қопламасига (тери, тук қопламаси, тирноқлар, лаблар ва ташқи жинсий органлар) ёки тишлар ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардасига, уларни тозалаш, ташқи кўринишини ўзгартириш, танага ёқимли ҳид бериш ва/ёки ҳидини яхшилаш,

ва/ёки ҳимоя қилиш, ва/ёки яхши ҳолатда сақлаш, ва/ёки уларни парвариш қилиш мақсадида суртиш учун мўлжалланган модда ёки моддалар аралашмаси;

парфюмерия-косметика маҳсулотларини тамғалаш – истеъмолчи учун истеъмол тараси, этикетка, ёрлиққа тушириладиган ёзувлар, рақамли, рангли ва график белгилар кўринишидаги ахборот;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг номланиши – ишлаб чиқарувчи томонидан унга ўзлаштирилган, маҳсулотнинг сўзли ва/ёки рақамли белгиланиши;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг вазифаси – қўлланиш доирасини аниқлаштирадиган, парфюмерия-косметика маҳсулотининг функционал хусусияти;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг номи – бир турдаги парфюмерия-косметика маҳсулотининг белгиланиши (тиш пастаси, лосьон, атир, крем ва ш.ў.);

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг таркибий қисми (ингредиент) – парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган синтетик ёки табиий келиб чиқишдаги модда ёки моддалар аралашмаси. Таркибий қисмларга ингредиентлардаги аралашмалар, шунингдек парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган ва тайёр маҳсулотда мавжуд бўлмаган материаллар кирмайди;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг истеъмол тараси – парфюмерия-косметика маҳсулотлари билан истеъмолчига келиб тушадиган ва транспорт тараси функциясини бажармайдиган парфюмерия-косметика маҳсулотларининг бирламчи ёки бирламчи ва иккиламчи қадоғи;

парфюмерия-косметика маҳсулотларини сақлашнинг стандарт шароитлари – суюқ маҳсулотлар учун – 5°C дан паст ва 25°C дан юқори бўлмаган, қаттиқ атир совун учун минус 5°C дан паст бўлмаган, қолган парфюмерия-косметика маҳсулотлари учун – 0°C дан паст ва 25°C дан юқори бўлмаган, тўғридан-тўғри қуёш нури таъсир этмайдиган шароитда сақлаш;

пилинг – кимёвий таъсир ҳисобига эпидермис сиртқи ҳужайраларини йўқотиш учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулоти;

пробник – тест ва апробация қилиш учун мўлжалланган, кичик ва/ёки соддалаштирилган қадоқда тақдим этилган парфюмерия-косметика маҳсулоти намунаси;

рецептура – таркибий қисмларининг масса улушини кўрсатиб, парфюмерия-косметика маҳсулотининг таркибига кирадиган ингредиентларни ишлаб чиқарувчи томондан белгиланган тўлиқ рўйхати;

саше – бир марталик фойдаланиш учун мўлжалланган юмшоқ тарадаги парфюмерия-косметика маҳсулоти;

татуаж учун косметика – инъекцион таъсирсиз териға расм тушириш учун мўлжалланган парфюмерия-косметика маҳсулоти;

техник ҳужжатлар – мувофиқлик асосида парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, транспортда ташишни амалға

ошириладиган ҳужжатлар (техник шартлар, стандартлар, технологик йўриқномалар, рецептуралар, спецификациялар ва бошқалар);

транспорт тараси – мустақил транспорт бирлигини ташкил этадиган, истеъмол тарасидаги парфюмерия-косметика маҳсулотларини ўраб жойлаш, сақлаш ва транспортда ташиш учун мўлжалланган, тара;

УБ-фильтр (ультрабинафша фильтр) – сингдириш, акс эттириш ёки сочиш йўли орқали ультрабинафша нури ўтишидан терини ҳимоялаш учун мўлжалланган модда;

этикетка – истеъмол тарасига жойлаштириладиган, қадоқланган парфюмерия-косметика маҳсулотлари тўғрисида маълумот бериш воситаси;

яроқлилиқ муддати – муддати тугаши билан парфюмерия-косметика маҳсулоти вазифаси бўйича ишлатиш учун яроқсиз ҳисобланадиган давр. Яроқлилиқ муддати маҳсулот ишлаб чиқарувчиси томонидан техник ҳужжатларда белгиланади. Маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати давомида ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлиқ талабларига маҳсулотнинг мувофиқлиги ҳамда сақлаш шароитларига риоя этилишида унинг истеъмол хусусиятлари сақланиб қолишига кафолат бериши шарт;

§ 3. Бозор муносабатлари қоидалари

4. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари мазкур техник регламент талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқарилганда мувофиқликни боҳолаш бўйича қўшимча тартиб таъомиллар (тасдиқлаш бўйича) талаб этилмайди.

5. Мазкур техник регламент талабларига мувофиқ бўлмаган парфюмерия-косметика маҳсулотлари тамғаларига миллий мувофиқлик белгиси қўйилмайди ва Ўзбекистон Республикаси бозорларига чиқарилмайди.

2-боб. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлигига талаблар

§ 1. Умумий хавфсизлигига талаблар

6. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлиги қуйидаги талаблар мажмуи билан таъминланади:

- а) таркибига;
- б) физик-кимёвий кўрсаткичларига;
- в) микробиологик кўрсаткичларига;
- г) токсик элементлар миқдориغا;
- д) токсикологик кўрсаткичларига;
- е) клиник (клиник-лаборатория) кўрсаткичларига;
- ж) ишлаб чиқарилишига;
- з) истеъмол тарасига;
- и) маҳсулотни тамғалашга.

7. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг таркибига талаблар:

парфюмерия-косметика маҳсулотларига 1-иловадаги моддаларни ишлатиш тақиқланади;

парфюмерия-косметика маҳсулотларида кўрсатилган чекловларни инобатга олган ҳолда 2-иловага асосан моддаларни ишлатишга рухсат этилади;

парфюмерия-косметика маҳсулотларида 3-иловага асосан бўёқларни ишлатишга рухсат этилади;

парфюмерия-косметика маҳсулотларида 4-иловага асосан консервантларни ишлатишга рухсат этилади;

парфюмерия-косметика маҳсулотларида 5-иловага асосан ультрабинафша филтрларини ишлатишга рухсат этилади;

8. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари учун водород кўрсаткичининг (рН) қиймати, 6-иловада белгиланган меъёрга мувофиқ бўлиши керак.

9. Оғиз бўшлиғи гигиенаси учун таркибида фтор бўлган воситаларда фториднинг миқдори (фторнинг моляр массасига қайта ҳисобланганда) 2-илова ўз ичига олган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

§ 2. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг микробиологик кўрсаткичларига талаблар

10. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг микробиологик кўрсаткичлари 7-илова ўз ичига олган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

11. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг қуйидаги турлари учун микробиологик кўрсаткичлар аниқланмайди:

суолтирмасдан ишлатиладиган, таркибида ҳажм бўйича 25 фоиз дан ортиқ концентрацияда этил спирти ва/ёки органик эритгичлар мавжуд бўлган, парфюмерия-косметика маҳсулотлари;

сувли асосдаги тирноқлар учун лаклардан ташқари, тирноқ лаклари;

дезодорантлар, дезодорант-антиперспирантлар, антиперспирантлар;

соч учун оксидловчи бўёқлар, оч ранг қилиш ва мелирлаш воситалари;

тиол бирикмалари асосидаги сочларни кимёвий жингалак қилиш воситалари ва текислаш воситалари;

тиогликол кислотаси асосида бўлган деполяция воситалари;

ёғли асосдаги қаттиқ атир совун;

қуруқ қаламлар;

ванна учун тузлар;

100 фоиз ли эфир мойлари;

водород перексиди ёки водород перексидининг 0,1 фоиз 6,0 фоиз ли концентрацияси билан (таркибий қисм сифатида ёки ажралиб чиқадиган) карбамид перексиди ва рух перексидини қўшиб, водород перексидини ажратиб чиқарадиган, бошқа компонентларни ўз ичига олган тишларни оқартириш учун воситалар;

10,0 дан ортиқ рН водород кўрсаткичига эга бўлган соқол олиш учун воситалар (кремлар, геллар ва бошқалар).

§ 3. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг токсикологик ва клиник (клиник-лаборатория) кўрсаткичларига талаблар

12. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари фойдаланиш мақсадига кўра инсон ҳаёти учун хавфсиз бўлиши керак.

13. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг токсикологик кўрсаткичлари 8-иловадаги талабларга мувофиқ бўлиши керак.

14. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг клиник (клиник-лаборатория) кўрсаткичлари 9-иловадаги талабларга мувофиқ бўлиши керак.

15. Оғиз бўшлиғи гигиенаси воситаларининг клиник кўрсаткичлари 10-иловадаги талабларга мувофиқ бўлиши керак.

16. Декоратив косметика, шу жумладан тирноқлар учун лаклар, шунингдек, ягона техник ҳужжат бўйича ишлаб чиқарилган, лекин туси бўйича фарқ қиладиган, бир хил ном ва номланишдаги сочни бўёвчи ва тус берувчи воситаларнинг токсикологик синовлари тадқиқот учун эълон қилинган камида 30 фоиз туслар танламасида тўлиқ ҳажмда ўтказилади. Текшириладиган намуналар ҳар бир муайян бўёқнинг максимал миқдорини ўз ичига олиши керак. Текшириш учун тақдим этилган қолган туслар учун фақат сенсibilловчи таъсир аниқланади.

17. Агар парфюмерия-косметика маҳсулотлари токсикологик ва клиник хавфсизликка текширилаётганида назорат қилинадиган бирорта кўрсаткичи мос келмаслиги тасдиқланган тақдирда, парфюмерия-косметика маҳсулотлари бўйича бундан кейинги ҳар қандай тадқиқотлар тўхтатилади.

3-боб. Ишлаб чиқаришда парфюмерия-косметика маҳсулотларининг хавфсизлигига талаблар

§ 1. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш

18. Ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида маҳсулотнинг хавфсизлиги қуйидагилар ёрдамида таъминланиши керак:

маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини танлаш;

ифлосланишни олдини оладиган хом ашё, қадоқлаш материаллари, қадоқланмаган маҳсулот ва тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг кетма-кетлиги ва узлуксизлигини танлаш;

ишлаб чиқариш назорати дастурларида технологик жараёнларнинг назорат қилинадиган босқичларини ҳамда уни ишлаб чиқариш босқичларида маҳсулотни аниқлаш;

маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, технологик воситалар ва ёрдамчи материаллар устидан назорат, шунингдек қадоқланмаган ва тайёр маҳсулот устидан назорат ўтказишнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

хом ашё, қадоқ, тамғалаш материаллари, қабул қилиш мезонлари, брак ёки транспортда ташиш вақтида озгина оғишлар мавжуд бўлганда ўтказиладиган чора-тадбирлар;

ушбу техник регламент талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган тартибда технологик ва ўлчаш ускуналари ишлаши устидан назорат ўтказиш;

технологик жараёнларни назорат қилинадиган босқичлари ҳамда уни ишлаб чиқариш босқичларида парфюмерия-косметика маҳсулотларини назорат қилиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатлаштирилишини таъминлаш;

ҳар бир босқич учун барча операцияларни батафсил текшириб ҳисобини юритиш ва рўйхатга олиш (қўшиладиган хом ашёлар, аралаштириш ҳароратлари, тезликлари, вақти, намуналарни танлаш, ускуналарни тозалаш, санитария ишловини бериш, агар зарурат бўлса, қадоқланмаган маҳсулотни беришни ҳам кўрсатиш;

маҳсулотни сақлаш шароитларига риоя қилиш;

ишлаб чиқариш хоналари, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ускуна ва инвентарларни ифлосланишини олдини оладиган ҳолатда сақлаш;

маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишчилар томондан шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш усулларини танлаш;

ишлаб чиқариш хоналари, парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган технологик ускуналар ва инвентарни йиғиштириш, ювиш, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилишнинг қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлайдиган усулларини ишлатиш ва ўтказиш даврийлигини белгилаш;

ишлаб чиқарилган маҳсулот ушбу техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қоғоз ва (ёки) электрон воситаларини сақлаш;

парфюмерия-косметика маҳсулотларининг ҳар бир партиясидан архив намуналарини сақлаш.

§ 2. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириладиган ишлаб чиқариш хоналарига талаблар

19. Ишлаб чиқариш хоналари қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши зарур:

ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатилган вентиляция ва/ёки кондиционерлаш тизимлари ишлаб чиқариш хонасига маҳсулотни ифлослантириш манбаи бўлиши мумкин бўлмаган ҳавонинг келиб тушишини таъминлаши керак;

ишлаб чиқариш жойларида ўрнатилган ёритиш тизимлари барча чиқиндиларни локализация қилиш ва маҳсулотга кириб кетишининг олдини олиш имкониятини таъминлаши ва маҳсулотнинг ифлосланиш манбаи бўлмаслиги керак;

ишлаб чиқариш хоналарида ходимларнинг шахсий ва ишлаб чиқариш (махсус) кийимларини сақлаш ҳамда кийим алмаштириш хоналари бўлиши мумкин эмас;

ишлаб чиқариш хоналарида хожатхоналар бўлмаслиги, хожатхоналарнинг эшиклари бевосита ишлаб чиқариш хоналарига олиб чиқмаслиги керак;

ишлаб чиқариш хоналарининг жойлашуви, агар бу маҳсулотнинг ифлосланишини олдини олиш учун зарур бўлса, хом ашё, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотлар, ифлосланган ва тоза инвентарнинг қарама-қарши ёки кесишиб ўтадиган оқимларини олдини оладиган технологик операцияларнинг кетма-кетлиги ва узлуксизлигини таъминлашига йўл қўйиши керак;

ишлаб чиқариш хоналари шундай қурилиши керакки, у ҳайвонлар, шу жумладан кемирувчилар ва ҳашаротлар киришидан ҳимояланган бўлсин;

ишлаб чиқариш бинолари кир, конденсат, моғор ва бошқа шу каби маҳсулот ифлосланиш манбаларини олиб ташлаш мумкин бўлмаган жойларни чиқариб ташлайдиган тарзда жиҳозланган бўлиши керак;

ишлаб чиқариш хонасида полларнинг сув йиғилмайдиган қилиб конструкцияланиши керак;

поллар, деворлар ва эшикларнинг сиртлари, санитария ишловини бериш ва дезинфекция қилиш мумкин бўлган, сув ўтказмайдиган, ювиладиган ва токсик бўлмаган қурилиш материаллардан тайёрланган бўлиши керак;

шифтлар (шифтлар мавжуд бўлмаганда – томнинг ички сирти) ва ишлаб чиқариш хоналари устида бўлган конструкциялар маҳсулотга қандайдир зарралар ёки конденсат тушишини олдини олиши керак;

очиладиган ойналар (фрамуглар) ҳашаротлардан ҳимоя тўрлари билан жиҳозланган бўлиши керак;

ишлаб чиқариш хоналаридаги канализация ускуналари, маҳсулотнинг ифлосланиш хавфини олди олинадиган қилиб лойиҳалаштирилган ва жойлаштирилган бўлиши керак.

20. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган ҳар қандай моддалар ва материалларни, ювиш ва дезинфекциялаш воситаларидан ташқари, ишлаб чиқариш биноларида сақлашга йўл қўйилмайди. Ювиш ва дезинфекциялаш воситалари ишлаб чиқариш объектининг махсус ажратилган жойларида сақланиши мумкин.

21. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналар ва инвентарлар учун шартлар:

уларни санитар ишлов бериш ва дезинфекциялашга имкон берилиши; маҳсулотни ифлослантирмайдиган материаллардан тайёрланиши.

22. Ушбу техник регламентнинг талабларига мувофиқликни таъминлаш учун зарур бўлганда технологик ускуналар тегишли бошқарув мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

23. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ходимлар қўйидаги талабларни:

хом ашё, қадокланмаган ва тайёр маҳсулотлар, материаллар ҳамда жиҳозлар (хом ашё) билан бевосита алоқада бўлувчилар маҳсулотни ифлослантириш манбаи бўлмасликлари учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари, тоза ва махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситаларини кийишлари шарт шунингдек, ишлаб чиқариш жойларига хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланилмайдиган ва маҳсулотни ифлослантирувчи манбаи бўлмасликлари учун, чекиш ва истеъмол қилишлари мумкин бўлган нарсаларни олиб кириш тақиқланади.

4-боб. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини тамғалаш ва қадоқлаш талаблари

24. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини тамғалаш истеъмолчига маълумотни ёзувлар, рақамли, рангли ва график белгилар шаклида истеъмол ўрамида, ёрлиқда, 2, 3, 4, 5 - иловаларда кўрсатилган тамғалашга бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш орқали амалга оширилади. Агар ҳар бир ишлаб чиқариш бирлигига маҳсулотларнинг таркиби ва хавфсизлик чоралари бириктирилган ёки илова қилинган ва (ёки) иккиламчи ўрамга жойлаштирилган ёрлиқда жойлаштирилган бўлса, истеъмол ўрамига, 11-иловада кўрсатилган очиқ дафтарчадаги қўл панжаси кўринишидаги график белги қўйилади.

25. Истеъмол тараси парфюмерия-косметика маҳсулотларининг сақланиш муддати тугагунгача унинг хавфсиз сақланишини таъминлаши зарур.

26. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари тамғалари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

парфюмерия-косметика маҳсулотининг номи (амалда бўлса);

ишлаб чиқарувчининг номи ва унинг жойлашган жойи (юримдик манзили, шу жумладан мамлакати);

парфюмерия-косметика маҳсулотининг мақсади, агар бу маҳсулот номидан келиб чиқмаса;

белгиланган тартибда берилган мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган миллий мувофиқлик белгиси;

болалар учун мўлжалланган косметика маҳсулотлари тамғалари талабга жавоб берадиган маълумотларга эга бўлиши керак;

истеъмол қадоғидаги маҳсулотларнинг номинал миқдори (ҳажми ва (ёки) массаси, ва (ёки) доналари). Қаттиқ атирсовун учун қадоқлаш пайтида бир бўлакнинг номинал массаси. Номинал ҳажми 5 ml дан кам ёки номинал массаси 5 g дан паст бўлган маҳсулотлар, шунингдек маҳсулот намуналарида номинал миқдорни кўрсатмаслик мумкин;

парфюмерия-косметика маҳсулоти билан таъминловчи давлат (агар ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот тайёрловчининг юримдик манзилига мувофиқ келмаса)

ранг ва / ёки тус (декоратив косметика ва бўяш воситалари учун);

фтор бирикмаларини ўз ичига олган оғиз бўшлиғи гигиенаси маҳсулотлари учун фторнинг моляр массаси (фоиз ёки mg/kg, ёки ppm);

сақлаш муддати;

тайёрланган вақти (ой, йил) ва сақлаш муддати (ой йил) ёки “яроқилик муддати” (ой, йил), ёхуд “гача фойдаланиш мумкин” (ой,йил) деган ёзув;

сақлаш шартларининг тавсифи агар стандарт шароитлардан фарқ қилса;

ушбу техник регламентнинг 2-5 иловаларида келтирилган маҳсулотлардан фойдаланилганда эҳтиёткорлик чоралари (зарур бўлганда), шунингдек огоҳлантириш маълумотлари.

парфюмерия-косметика маҳсулотлари партиясини аниқлаш учун партия рақами ёки махсус коди;

парфюмерия-косметика маҳсулотларидан фойдаланиш усуллари тўғрисидаги маълумотлар;

таркиби (ингредиентлар рўйхати)

27. Таркибий қисмларнинг рўйхатидан олдин “Ингредиентлар” ёки “Таркиб” сарлавҳаси жойланиши керак.

Ингредиентлар рецептурасида уларнинг масса улуши камайиш тартибида кўрсатилади, бунда парфюмерия (хушбўй) композиция ягона ингредиент сифатида унинг таркибини очмасдан кўрсатилади. Агар композиция таркибига 2-иловада кўрсатилган ингредиентлар (N 67-92) кирса ҳамда уларнинг миқдори ювиладиган маҳсулотлар учун 0,01 фоиз, ювилмайдиган маҳсулотлар учун 0,001 фоиз концентрациядан ошса, у ҳолда улар таркибда кўрсатилиши керак.

Наноматериаллар шаклида мавжуд бўлган ингредиентлар, ингредиентларни косметика воситаларининг халқаро номенклатурасига (INCI) мувофиқ кўрсатилиши ҳолатида, уларнинг номидан кейин қавс ичида “нано” ёки “nano” сўзлари аниқ кўрсатилиши керак.

1 фоиз дан камроқ концентрациядаги ингредиентлар концентрацияси 1 фоиз дан ортиқ бўлган ингредиентлардан кейин ҳар қандай тартибда санаб ўтилиши мумкин.

Ранг индекси ёки қабул қилинган белгиларга мувофиқ ингредиентлардан бошқа бўёқлар ҳар қандай тартибда санаб ўтилиши мумкин.

Ингредиентларнинг рўйхати ё давлат ёки парфюмерия-косметика маҳсулотини сотиш амалга ошириладиган давлат тилида, ёхуд лотин алифбоси ҳарфларидан фойдаланиб косметика ингредиентларининг халқаро номенклатурасига (INCI) мувофиқ тақдим этилиши мумкин.

Ҳар хил туслар серияси кўринишида чиқарилган декоратив косметика маҳсулотларида “ўз ичига олиши мумкин” атамаси ёки (+/-) белгисини қўллаб, серияда ишлатилган барча бўёқлар санаб ўтилиши мумкин.

28. Мазкур техник регламентнинг 27 бандида кўзда тутилган маълумотлар ювилиб кетмайдиган ва аниқ бўлиши керак. Сақлаш, транспортда ташиш, сотиш ва яроқлилиқ муддати мобайнида маҳсулотни ишлатишда тамға истеъмол тарасида сақланиб қолиши зарур.

29. Мазкур техник регламентнинг 27 бандида кўзда тутилган парфюмерия-косметика маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар давлат тилида тақдим этилади. Келтирилган маълумотлар бошқа тилларда ҳам баён этилиши мумкин, бунда унинг таркиби давлат тилидаги маълумотлар таркибига айнан мос бўлиши керак.

30. Ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарувчининг жойлашган жойи, ранг ва (ёки) туснинг сўз билан ифодаланган номланиши (декоратив косметика ва бўёвчи воситалар учун), линиянинг (серия) номланиши, ҳажм (ml, L) ёки массанинг (g, kg) ўлчов бирлиги лотин алифбоси ҳарфларидан фойдаланиб ёзилиши мумкин. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари билан таъминлайдиган мамлакат, парфюмерия-косметика маҳсулоти маълумотларини сотишни амалга ошириладиган давлатнинг расмий тилда ёзилади.

5-боб. Идентификациялаш, намуналарни танлаш ва синовларни ўтказиш

§ 1. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини идентификациялаш қоидалари

31. Мазкур техник регламентга асосан идентификациялаш парфюмерия-косметика маҳсулотлари хусусиятлари билан танишиш орқали ҳамда техник регламентда белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Парфюмерия-косметика маҳсулотларини тавсифловчи хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

маҳсулотни қўллаш усули – парфюмерия-косметика маҳсулоти фақатгина инсон танасининг маълум қисмларига ташқи суртиш учун мўлжалланган;

маҳсулотни суртиш жойи – парфюмерия-косметика маҳсулоти тери, соч, тирноқлар, лаблар, тишлар, оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардаси ва ташқи жинсий аъзоларга суртилади;

маҳсулотни қўллаш мақсадлари (алоҳида тарзда ёки ҳар қандай комбинацияда) – тозалаш ва/ёки терининг ташқи кўринишини ўзгартириш, сочлар, тирноқлар, лаблар, тишлар, оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардаси ва ташқи жинсий аъзоларнинг ташқи кўринишини уларнинг бутунлигини бузмаган ҳолда ўзгартириш, уларга ёқимли ҳид бериш ва/ёки ҳидни коррекциялаш, уларни нормал функционал ҳолатда ушлаб туриш.

33. Идентификациялаш парфюмерия-косметика маҳсулотлари ҳужжатлари асосида мазкур техник регламентни қўллаш мақсадида ўтказилади. Ҳужжатлар сифатида техник ҳужжатлар ва/ёки етказиб бериш шартномалари, ва/ёки спецификациялар, ва/ёки этикеткалар, ва/ёки аннотациялар ҳамда маҳсулотни тавсифловчи бошқа ҳужжатлар ишлатилиши мумкин.

6-боб. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)

34. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари савдога чиқариш олдидан Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши керак. Парфюмерия-косметика маҳсулотларининг мувофиқлигини тасдиқлаш уларни сертификатлаштириш йўли билан амалга оширилади.

7-боб. Давлат назоратини амалга ошириш тартиби

35. Техник регламентнинг талабларига риоя этилиши устидан Давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа махсус ваколатли давлат идоралари амалга оширади.

Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

8-боб. Ўтиш даври

36. Техник регламент амалга киритилган пайдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган ва парфюмерия-косметика маҳсулотларига хавфсизлик талабларини белгилайдиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунига қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари юзасидан қўлланилади.

Техник регламент кучга киргунга қадар маҳсулот учун берилган мувофиқлик сертификатлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

9-боб. Техник регламент талабларига риоя этмаслик учун жавобгарлик

37. Техник регламентнинг талабларига риоя этилиши барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

38. Техник регламентнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Парфюмерия-косметика маҳсулотларнинг
хавфсизлиги тўғрисидаги техник
регламентга 1-ИЛОВА

**Парфюмерия-косметика маҳсулотларида фойдаланиш тақиқланган
моддалар рўйхати**

т/р	Моддалар номи	Моддалар халқаро патентланмаган номларига мувофиқ *	CAS номери **	ЕС номери ***
1	2	3	4	5
1	N-5-Хлоробензоксазол-2-ва лацетамид	N-(5-Chlorobenzoxazol-2- yl)acetamide	35783-57-4	-
2	2- Ацетоксиэтилтриметиламмония гидроксид (ацетилхолин) ва унинг тузи	(2- Acetoxyethyl)trimethylammoniu m hydroxide (acetylcholine) and its salts	51-84-3	200-128-9
3	Деанолацеглумат (INN)	Deanol aceglumate (INN)	3342-61-8	222-085-5
4	Спиринолактон (INN)	Spironolactone (INN)	52-01-7	200-133-6
5	[4-(4-Гидрокси-3-йодофенокси) -3,5-дийодо- фенил]уксус кислотаси (Тиратрикол (INN) шунингдек ТРИАК каби маълум) ва унинг тузи	[4-(4-Hydroxy-3-iodophenoxy)- 3,5- diiodophenyl] acetic acid (Tiratricol(INN)) and its salts	51-24-1	200-086-1
6	Метотрексат (INN)	Methotrexate (INN)	59-05-2	200-413-8
7	Аминокапроновая (INN) кислота ва унинг тузи	Aminocaproic acid (INN) and its salts	60-32-2	200-469-3
8	Цинкофен (INN), унинг ишлаб чиқарилган тузи, ва ушбу ҳосил бўлган тузлар	Cinchophen (INN), its salts, derivatives and salts of these derivatives	132-60-5	205-067-1
9	Тиропропий кислотаси (INN) ва унинг тузи	Thyropropic acid (INN) and its salts	51-26-3	-
10	Трихлоруксус кислотаси	Trichloroacetic acid	76-03-9	200-927-2
11	Аконита барглари, илдиз ва галеник аралашма	Aconitum napellus L. (leaves, roots and galenical mixtures)	84603-50-9	283-252-6
12	Аконитин (асосий алкалоид Аконитума напеллуса) ва унинг тузи	Aconitine (principal alkaloid of Aconitum napellus L.) and its salts	302-27-2	206-121-7
13	Адонис ва унинг аралашмаси (баҳор гулизардак)	Adonis vernalis L. and its mixtures	84649-73-0	283-458-6
14	Эпинефрин (INN)	Epinephrine (INN)	51-43-4	200-098-7
15	Раувольфия илон алкалоидлари ва уларнинг тузлари	Rauwolfia serpentina alkaloids and their salts	90106-13-1	290-234-1
16	Ацетилен спиртлари, уларнинг оддий ва мураккаб эфирлари ва тузлари	Alkyne alcohols, their esters, ethers and salts	-	-
17	Изопреналин (INN)	Isoprenaline (INN)	7683-59-2	231-687-7
18	Аллилизотиоцианат	Allyl isothiocyanate	57-06-7	200-309-2
19	Аллокламид (INN) ва унинг тузи	Alloclamide (INN) and its salts	5486-77-1	
20	Налорфин (INN), унинг тузи ва эфири	Nalorphine (INN), its salts and ethers	62-67-9	200-546-1
21	Марказий нерв тизимига таъсир этувчи врач рецепти бўйича сотиладиган ва регламентда кўрсатиб ўтилган, дори	Sympathicomimetic amines acting on the central nervous system: any substance contained in the first list of medicaments	300-62-9	206-096-2

	воситаларнинг рўйхатида биринчи бўлиб турган, симпатомиметик аминлар	which are subject to medical prescription and are referred to in reglament		
22	Анилин, унинг тузлари, галоген - ва сульфо ҳосил бўлган	Aniline, its salts and its halogenated and sulphonated derivatives	62-53-3	200-539-3
23	Бетоксицин (INN) ва унинг тузлари	Betoxycaine (INN) and its salts	3818-62-0	-
24	Зоксазоламин (INN)	Zoxazolamine (INN)	61-80-3	200-519-4
25	Прокаинамид (INN), унинг тузлари ва ҳосил бўлган	Procainamide (INN), its salts and derivatives	51-06-9	200-078-8
26	Бензидин	Benzidine	92-87-5	202-199-1
27	Туаминогептан (INN), унинг изомерлар ва тузлар	Tuaminoheptane (INN), its isomers and salts	123-82-0	204-655-5
28	Октодрин (INN) ва унинг тузлари	Octodrine (INN) and its salts	543-82-8	208-851-1
29	2-Амино-1,2-бис-(4-метоксифенил) этанол ва унинг тузлари	2-Amino-1,2-bis (4-methoxyphenyl)ethanol and its salts	530-34-7	-
30	1,3-Диметилпентиламин ва унинг тузлари	1,3-Dimethylpentylamine and its salts	105-41-9	203-296-1
31	4-Аминосалицил кислотаси ва унинг тузлари	4-Aminosalicylic acid and its salts	65-49-6	200-613-5
32	Толуидинлар, уларнинг изомерлари, тузлари, галоген-ва сульфо ишлаб чиқарувчи	Toluidines, their isomers, salts and halogenated and sulphonated derivatives	26915-12-8	248-105-2
33	Ксилидинлар, иларнинг изомерлари, тузлари, галоген-ва сульфо ҳосил бўлган	Xylidines, their isomers, salts and halogenated and sulphonated derivatives	1300-73-8	215-091-4
34	Императорин 9-(3-метоксилбут-2-енилокси)-фууро-[3,2-g]-хромен-7-он)	Imperatorin 9-(3-methoxylbut-2-enyloxy)-furo [3,2-g]chromen-7-one)	482-44-0	207-581-1
35	Катта амми ва унинг гален препаратлари	Ammi majus and its galenical preparations	90320-46-0	291-072-4
36	2-Метил-2,3-дихлорбутан	2,3-dichloro-2-metylbutane	507-45-9	-
37	Андроген эффектли моддалар	Substances with androgenic effect	-	-
38	Антрацен ёғи	Anthracene oil	120-12-7	204-371-1
39	Антибиотиклар	Antibiotics	-	-
40	Сурьма ва уларининг бирикмалари	Antimony and its compounds	7440-36-0	231-146-5
41	Наша кутра ва унинг препаратлари	Apocynum cannabinum L. and its preparations	84603-51-0	283-253-1
42	Апоморфин ((R) 5,6, 6a, 7-тетрагидро-6-метил-4Н-добензо[de, g]-хинолин-10,11-диол) ва унинг тузлари	Apomorphine ((R) 5, 6, 6a, 7-tetrahydro-6-methyl-4H-dibenzo [de,g]-quinoline-10,11-diol) and its salts	58-00-4	200-360-0
43	Маргимуш ва унинг бирикмалари	Arsenic and its compounds	7440-38-2	231-148-6
44	Оддий белладонна ва унинг препаратлари	Atropa belladonna L. and its preparations	8007-93-0	232-365-9
45	Атропин, унинг тузлари ва ҳосил бўлган	Atropine, its salts and derivatives	51-55-8	200-104-8
46	Ушбу техник регламентнинг 2-иловасига мувофиқ чекловлар билан фойдаланиладиган барий тузи, сульфид барийдан	Barium salts, with the exception of barium sulphide under the conditions laid down in Annex 2, and barium sulphate, lakes, salts		

	истисно, ва ушбу техник регламентнинг 3-илоvasида кўрсатилган бўёқлардан олинган пигментлар, сульфат барий ва унинг тузлари	and pigments prepared from the colouring agents when listed in Annex 3		
47	Бензол	Benzene	71-43-2	200-753-7
48	Бензимидазол-2(3H)-он	Benzimidazol-2 (3H)-one	615-16-7	210-412-4
49	Бензазепинлар ва бензодиазепинлар	Benzazepines and benzodiazepines	12794-10-4	
50	1-Диметиламинометил-1-метилпропилбензоат (амилокаин) ва унинг тузлари	1-Dimethylaminomethyl-1-methylpropyl benzoate (amylocaine) and its salts	644-26-8	211-411-1
51	2,2,6-Триметил-4-пиперидилбензоат (эукаин) ва унинг тузи	2,2,6-Trimethyl-4-piperidyl benzoate (eucaine) and its salts	500-34-5	
52	Изокарбоксазид (INN)	Isocarboxazid (INN)	59-63-2	200-438-4
53	Бендрофлуметиазид (INN) ва унинг ҳосил бўлган	Bendroflumethiazide (INN) and its derivatives	73-48-3	200-800-1
54	Бериллий ва унинг бирикмалари	Beryllium and its compounds	7440-41-7	231-150-7
55	Элементи бром	Bromine, elemental	7726-95-6	231-778-1
56	Бретилий тозилат (INN)	Bretylum tosilate (INN)	61-75-6	200-516-8
57	Карбромал (INN)	Carbromal (INN)	77-65-6	201-046-6
58	Бромизовал (INN)	Bromisoval (INN)	496-67-3	207-825-7
59	Бромфенирамин (INN) и его соли	Brompheniramine (INN) and its salts	86-22-6	201-657-8
60	Бензилония бромид (INN)	Benzilonium bromide (INN)	1050-48-2	213-885-5
61	Тетриламмония бромид (INN)	Tetrylammonium bromide (INN)	71-91-0	200-769-4
62	Бруцин	Brucine	357-57-3	206-614-7
63	Тетракаин (INN) ва унинг тузлари	Tetracaine (INN) and its salts	94-24-6	202-316-6
64	Мофебутазон (INN)	Mofebutazone (INN)	2210-63-1	218-641-1
65	Толбутамид (INN)	Tolbutamide (INN)	64-77-7	200-594-3
66	Карбутамид (INN)	Carbutamide (INN)	339-43-5	206-424-4
67	Фенилбутазон (INN)	Phenylbutazone (INN)	50-33-9	200-029-0
68	Кадмий ва унинг бирикмалари	Cadmium and its compounds	7440-43-9	231-152-8
69	Кантаридлар, сидирға матога тикилган чакма гул	Cantharides, Cantharis vesicatoria	92457-17-5	296-298-7
70	Кантаридин	Cantharidine	56-25-7	200-263-3
71	Фенпробамат (INN)	Phenprobamate (INN)	673-31-4	211-606-1
72	Карбазола нитро ишлаб чиқарувчи	Nitroderivatives of carbazole	-	-
73	Углерод дисульфиди	Carbon disulphide	75-15-0	200-843-6
74	Каталаза	Catalase	9001-05-2	232-577-1
75	Цефаэлин ва унинг тузи	Cephaeline and its salts	483-17-0	207-591-6
76	Мари амброзия эфир ёғи	Chenopodium ambrosioides L. (essential oil)	8006-99-3	
77	2,2,2-Трихлорэтан-1,1-диол.	2,2,2-Trichloroethane-1,1-diol	302-17-0	206-117-5
78	Хлор	Chlorine	7782-50-5	231-959-5
79	Хлорпропамид (INN)	Chlorpropamide (INN)	94-20-2	202-314-5
80	Аралашган ёки мустасно	Moved or deleted	-	-
81	4-Фенилазо-1,3-диаминобензол цитрат гидрохлорид (хризоидина цитрат гидрохлорид)	4-Phenylazophenylene-1,3-diamine citrate hydrochloride (chrysoidine citrate hydrochloride)	5909-04-6	
82	Хлорзоксазон (INN)	Chlorzoxazone (INN)	95-25-0	202-403-9
83	2-Хлор-6-метилпиримидин-4-	2-Chloro-6-methylpyrimidin-4-	535-89-7	208-622-6

	илдиметиламин (кримидин-ИСО)	ylldimethylamine (crimidine-ISO)		
84	Хлорпротиксен (INN) ва унинг тузи	Chlorprothixene (INN) and its salts	113-59-7	204-032-8
85	Клофенамид (INN)	Clofenamide (INN)	671-95-4	211-588-5
86	N,N-Бис (2-хлорэтил) метиламин-N-оксид унинг тузи	N,N-bis(2-chloroethyl)methylamine N-oxide and its salts	126-85-2	-
87	Хлорметин (INN) ва унинг тузи	Chlormethine (INN) and its salts	51-75-2	200-120-5
88	Циклофосфамид (INN) ва унинг тузи	Cyclophosphamide (INN) and its salts	50-18-0	200-015-4
89	Манномустин (INN) ва унинг тузи	Mannomustine (INN) and its salts	576-68-1	209-404-3
90	Бутаниликаин (INN) ва унинг тузи	Butanilicaine (INN) and its salts	3785-21-5	-
91	Хлоромезанон (INN)	Chloromezanone (INN)	80-77-3	201-307-4
92	Трипаранол (INN)	Triparanol (INN)	78-41-1	201-115-0
93	2-[2-(4-Хлорфенил)-2-фенилацетил]индан-1,3-дион (хлорофацинон-ИСО)	2-[2-(4-Chlorophenyl)-2-phenylacetyl] indane-1,3-dione (chlorophacinone - ISO)	3691-35-8	223-003-0
94	Хлорфеноксамин (INN)	Chlorphenoxamine (INN)	77-38-3	-
95	Фенагликодол (INN)	Phenaglycodol (INN)	79-93-6	201-235-3
96	Хлорэтан (этилхлорид)	Chloroethane	75-00-3	200-830-5
97	Хром, хром кислотаси ва унинг тузи	Chromium; chromic acid and its salts	7440-47-3	231-157-5
98	Тўқ қизил қорақуя, унинг алкалоидлари ва гален препаратлари	Claviceps purpurea Tul., its alkaloids and galenical preparations	84775-56-4	283-885-8
99	Болиголова доғли меваларнинг зангпоя, кукун, гален препаратлари	Conium maculatum L. (fruit, powder, galenical preparations)	85116-75-2	285-527-6
100	Глицикламид (INN)	Glycyclamide (INN)	664-95-9	211-557-6
101	Кобальта бензолсульфонат	Cobalt benzenesulphonate	23384-69-2	-
102	Колхицин, унинг тузи ва ҳосил бўлган	Colchicine, its salts and derivatives	64-86-8	200-598-5
103	Колхикозид ва унинг ҳосил бўлган	Colchicoside and its derivatives	477-29-2	207-513-0
104	Кузги савринжон ва унинг гален препаратлари	Colchicum autumnale L. and its galenical preparation	84696-03-7	283-623-2
105	Конваллатоксин	Convallatoxin	508-75-8	208-086-3
106	Анамитра коккулус мевалари.	Anamirta coccolus L. (fruit)	-	-
107	Кротона сурги ёғи	Croton tiglium L. (oil)	8001-28-3	-
108	1-Бутил-3(N-кродонилсульфанил) мочевино.	1-Butyl-3-(N-crotonoylsulphanilyl) urea	52964-42-8	-
109	Кураре ва курарин	Curare and curarine	8063-06-7/ 22260-42-0	232-511-1/ 244-880-6
110	Синтетик кураризантлар	Synthetic curarizants	-	-
111	Синил кислотаси ва унинг тузлари	Hydrogen cyanide and its salts	74-90-8	200-821-6
112	Феклемин (INN); 2-(α-циклогексилбензил) -N, N, N',N' - тетраэтил-1,3-пропандиамин.	Feclemine (INN); 2-(α-Cyclohexylbenzyl)-N,N,N',N'- tetraethyl-1,3-propanediamine	3590-16-7	-
113	Цикломенол (INN) ва унинг узлари	Cyclomenol (INN) and its salts	5591-47-9	227-002-6
114	Натрий гексациклонат (INN)	Sodium hexacyclonate (INN)	7009-49-6	

115	Гексапропимат (INN)	Hexapropymate (INN)	358-52-1	206-618-9
116	Аралашган ёки мустасно	Moved or deleted	-	-
117	О,О'-Диацетил-N-аллил-N-норморфин	O,O'-Diacetyl-N-allyl-N-normorphine	2748-74-5	
118	Пипазетат ва унинг тузи	Pipazetate (INN) and its salts	2167-85-3	218-508-8
119	5-(α,β -дибромфенетил)-5-метилгидантоин.	5-($\alpha\beta$ -Dibromophenethyl)-5-methylhydantoin	511-75-1	208-133-8
120	N,N'-Пентаметиленбис(триметиламмоний) тузлар, масалан, пентаметоний бромид (INN)	N,N'-Pentamethylenebis (trimethylammonium) salts, e.g. pentamethonium bromide (INN)	541-20-8	208-771-7
121	N,N'-[(Метилимино)диэтилен]бис (этилди-метиламмония) тузлар, масалан, азаметоний бромид (INN)	N,N'-[(Methylimino) diethylene] bis (ethyldimethylammonium) salts, e.g. azamethonium bromide (INN)	306-53-6	206-186-1
122	Цикларбамат (INN)	Cyclarbamate (INN)	5779-54-4	227-302-7
123	Клофенотан (INN), ДДТ (ИСО)	Clofenotane (INN); DDT (ISO)	50-29-3	200-024-3
124	N,N'-Гексаметиленбис (триметиламмония) тузлар, масалан, гексаметоний бромид (INN)	N,N'-Hexamethylenebis (trimethylammonium) salts, e.g. hexamethonium bromide (INN)	55-97-0	200-249-7
125	Дихлорэтанлар (этиленхлоридлар), масалан 1,2-дихлорэтан	Dichloroethanes (ethylene chlorides), e.g. 1,2-Dichloroethane	107-06-2	203-458-1
126	Дихлорэтиленлар (ацетиленхлоридлар), масалан, винилидин хлорид (1,1-дихлорэтилен)	Dichloroethylenes (acetylene chlorides) e.g. Vinylidene chloride (1,1-Dichloroethylene)	75-35-4	200-864-0
127	Лизергид (INN) (ЛСД) ва унинг тузи	Lysergide (INN) (LSD) and its salts	50-37-3	200-033-2
128	2-Диэтиламиноэтил-3-гидрокси-4-фенилбензоат ва унинг тузи	2-Diethylaminoethyl-3-hydroxy-4-phenylbenzoate and its salts	3572-52-9	222-686-2
129	Цинхокаин (INN) ва унинг тузи	Cinchocaine (INN) and its salts	85-79-0	201-632-1
130	3-Диэтиламинопропил циннамат	3-Diethylaminopropyl cinnamate	538-66-9	-
131	О,О'-Диэтил-О-4-нитрофенил тиофосфат. (Паратион-ИСО)	O,O'-Diethyl-O-4-nitrophenyl phosphorothioate (parathion-ISO)	56-38-2	200-271-7
132	[Оксалилбис(аминоэтилен)]бис'[(о-хлоробензил) диэтиламмония] тузлар, масалан, амбеноний хлорид (INN)	[Oxalylbis(iminoethylene)] bis (o-chlorobenzyl) diethylammonium] salts, e.g. ambenonium chloride (INN)	115-79-7	204-107-5
133	Метиприлон (INN) ва унинг тузлари	Methypylon (INN) and its salts	125-64-4	204-745-4
134	Дигиталин ва ҳамма гликозидлар тўқ қизил дигиталис	Digitaline and all heterosides of Digitalis purpurea L.	752-61-4	212-036-6
135	7-[2-Гидрокси-3-(2-гидроксиэтил-N-метиламино)пропил]теофиллин (ксантинол)	7-[2-Hydroxy-3-(2-hydroxyethyl -N-methylamino) propyl] theophylline (xanthinol)	2530-97-4	-
136	Диоксэфедрин (INN) ва унинг тузлари	Dioxethedrin (INN) and its salts	497-75-6	207-849-8
137	Пипрокурарий иодид (INN)	Piprocuarium iodide (INN)	3562-55-8	222-627-0
138	Пропифеназон (INN)	Propyphenazone (INN)	479-92-5	207-539-2
139	Тетрабеназин (INN) ва унинг тузлари	Tetrabenazine (INN) and its salts	58-46-8	200-383-6

140	Каптодиам (INN)	Captodiamе (INN)	486-17-9	207-629-1
141	Мефеклоразин (INN) ва унинг тузлари	Mefecloazine (INN) and its salts	1243-33-0	-
142	Диметиламин	Dimethylamine	124-40-3	204-697-4
143	1,1'-Бис(диметиламинометил) пропилбензоат (амидрикаин, алипин) ва унинг тузлари	1,1-Bis(dimethylaminomethyl)propyl benzoate (amydricaine, alypine) and its salts	963-07-5	213-512-6
144	Метапирилен (INN) и его соли	Methaphyrilene (INN) and its salts	91-80-5	202-099-8
145	Метамфепрамон (INN) и его соли	Metamfepramone (INN) and its salts	15351-09-4	239-384-1
146	Амитриптилин (INN) ва унинг тузлари	Amitriptyline (INN) and its salts	50-48-6	200-041-6
147	Метформин (INN) ва унинг тузлари	Metformin (INN) and its salts	657-24-9	211-517-8
148	Изосорбида динитрат (INN)	Isosorbide dinitrate (INN)	87-33-2	201-740-9
149	Малононитрил	Malononitrile	109-77-3	203-703-2
150	Сукцинонитрил	Succinonitrile	110-61-2	203-783-9
151	Динитрофенола изомерлари	Dinitrophenol isomers	51-28-5/ 329-71-5/ 573-56-8/ 25550-58-7	200-087-7/ 206-348-1/ 209-357-9/ 247-096-2
152	Инпроквон (INN)	Inproquone (INN)	436-40-8	-
153	Димевамид (INN) ва унинг тузлари	Dimevamide (INN) and its salts	60-46-8	200-479-8
154	Дифенилпиралин (INN) ва унинг тузлари	Diphenylpyraline (INN) and its salts	147-20-6	205-686-7
155	Сульфинпиразон (INN)	Sulfinpyrazone (INN)	57-96-5	200-357-4
156	N-(3-Карбамоил-3,3-дифенилпропил)-N,N-диизопропилметиламмоний тузлар, масалан, изопропамида йодид (INN)	N-(3-Carbamoyl-3,3-diphenylpropyl)-N,N-diisopropylmethylammonium salts, e.g. isopropamide iodide (INN)	71-81-8	200-766-8
157	Бенактизин (INN)	Benactyzine (INN)	302-40-9	206-123-8
158	Бензатропин ва унинг тузлари (INN)	Benzatropin (INN) and its salts	86-13-5	
159	Циклизин (INN) ва унинг тузлари	Cyclizine (INN) and its salts	82-92-8	201-445-5
160	5,5-дифенил-4-имидазолидона (Доксенитоин (INN))	5,5-Diphenyl-4-imidazolidone (Doxenitoin (INN))	3254-93-1	221-851-6
161	Пробенецид (INN)	Probenecid (INN)	57-66-9	200-344-3
162	Дисульфирам (INN); тирам (ИСО)	Disulfiram (INN); (thiram - ISO)	97-77-8/ 137-26-8	202-607-8/ 205-286-2
163	Эметин, уларнинг тузлари ва ишлаб чиқариш	Emetine, its salts and derivatives	483-18-1	207-592-1
164	Эфедрин ва унинг тузлари	Ephedrine and its salts	299-42-3	206-080-5
165	Оксанамид (INN) ва уларнинг ишлаб чиқарилгани	Oxanamide (INN) and its derivatives	126-93-2	-
166	Эзерин ёки физостигмин ва уларнинг тузлари	Eserine or physostigmine and its salts	57-47-6	200-332-8
167	4-аминобензой кислота ва унинг мураккаб эфирлари, эркин аминотурухи	4-aminobenzoic acid and its esters, with the free amino group	150-13-0	205-753-0
168	Холина тузи ва уларнинг эфирлари, масалан, холина хлорид (INN)	Choline salts and their esters, e.g. choline chloride (INN)	67-48-1	200-655-4
169	Карамифен (INN) ва унинг	Caramiphen (INN) and its salts	77-22-5	201-013-6

	тузлари			
170	Диэтил-4-нитрофенил фосфат (Параоксон - ИСО)	Diethyl 4-nitrophenyl phosphate (Paraoxon - ISO)	311-45-5	206-221-0
171	Мететогептазин (INN) ва унинг тузлари	Metethoheptazine (INN) and its salts	509-84-2	
172	Оксфенеридин (INN) ва унинг тузлари	Oxpheneridine (INN) and its salts	546-32-7	
173	Этогептазин (INN) ва унинг тузлари	Ethoheptazine (INN) and its salts	77-15-6	201-007-3
174	Метептазин (INN) ва унинг тузлари	Metheptazine (INN) and its salts	469-78-3	
175	Метилфенидат (INN) ва унинг тузлари	Methylphenidate (INN) and its salts	113-45-1	204-028-6
176	Доксиламин (INN) ва унинг тузлари	Doxylamine (INN) and its salts	469-21-6	207-414-2
177	Толбоксан (INN)	Tolboxane (INN)	2430-46-8	-
178	4-Бензилоксифенол ва 4-этоксифенол	4-Benzyl oxyphenol and 4-ethoxyphenol	103-16-2/ 622-62-8	203-083-3/ 210-748-1
179	Паретоксикаин (INN) ва унинг тузлари	Parethoxycaine and (INN) its salts	94-23-5	205-246-4
180	Фенозолон (INN)	Fenozolone (INN)	15302-16-6	239-339-6
181	Глутетимид (INN) ва унинг тузлари	Glutethimide (INN) and its salts	77-21-4	201-012-0
182	Этиленоксид	Ethylene oxide	75-21-8	200-849-9
183	Бемегрид (INN) ва унинг тузлари	Bemegride (INN) and its salts	64-65-3	200-588-0
184	Валноктамид (INN)	Valnoctamide (INN)	4171-13-5	224-033-7
185	Галоперидол (INN)	Haloperidol (INN)	52-86-8	200-155-6
186	Параметазон (INN)	Paramethasone (INN)	53-33-8	200-169-2
187	Флуанизон (INN)	Fluanisone (INN)	1480-19-9	216-038-8
188	Трифлуперидол (INN)	Trifluperidol (INN)	749-13-3	-
189	Фторорезон (INN)	Fluoresone (INN)	2924-67-6	220-889-0
190	Фторурацил (INN)	Fluorouracil (INN)	51-21-8	200-085-6
191	Ушбу техник регламентнинг 2-иловасида * кўрсатилгандан ташқари, фторли водород (таъсир кучи ўткир) кислота, унинг нормал тузлари, комплекслари ва гидрофторидлар	Hydrofluoric acid, its normal salts, its complexes and hydrofluorides with the exception of those given in Annex III*.	7664-39-3	231-634-8
192	Фурфурилтриметиламмоний тузлари, масалан, фуртретоний йодид (INN)	Furfuryltrimethylammonium salts, e.g. furtrethonium iodide (INN)	541-64-0	208-789-5
193	Галантамин (INN)	Galantamine (INN)	357-70-0	-
194	Прогестогенлар	Progestogens	-	-
195	1,2,3,4,5,6-Гексахлороциклогексан (линдан) (ВНС-ИСО)	1,2,3,4,5,6-Hexachlorocyclohexane (BHC - ISO)	58-89-9	200-401-2
196	(1R, 4S, 5R, 8S)-1,2,3,4,10,10-Гексахлоро-6,7-эпокси-1,4,4а,5,6,7,8,8а-октагидро-1,4: 5,8-диметанафталин (эндрин-ИСО)	(1R, 4S, 5R, 8S)-1,2,3,4,10,10-Hexachloro-6,7-epoxy-1,4,4a,5,6,7,8,8a-octahydro-1,4: 5,8-dimethano-naphthalene (endrin-ISO)	72-20-8	200-775-7
197	Гексахлорэтан	Hexachloroethane	67-72-1	200-666-4
198	(1R, 4S, 5R, 8S)-1,2,3,4,10,10-Гексахлоро-1,4,4а,5,8,8а-гексагидро-1,4: 5,8-	(1R, 4S, 5R, 8S)-1,2,3,4,10,10-Hexachloro-1,4,4a,5,8,8a-hexahydro-	465-73-6	207-366-2

